

ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШ ОРҚАЛИ ДАСТЛАБКИ ҲАРБИЙ ОФИЦЕРЛИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маъруф Эшдовлат ўғли Салимов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети мустақил
тадқиқотчиси.

smarufe1995@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришдаги муаммолар, таълим тизимида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки компетентликни ривожлантириш учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар ва зарур чора тадбирлар ҳамда ёшларда касб танлашдаги кўникмаларни шаклланиш омиллари, уларда ҳарбий касбга бўлган кўникмаларни шакллантиришнинг айрим масалалари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳарбий касб компетентлиги, “Ҳарбий ватанпарварлик концепсияси”, Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналиши, Мудофаа Доктринаси, расмий компетентлик, Куролли Кучлар тизими, ватанпарварлик, таълим ва армия уйғунлиги, Миллий ғоя ва мафкура руҳияти.

ABSTRACT

In this article, the problems of improving the Initial Military Office Professional Competence by educating the students the feeling of patriotism, the work that must be done to develop the initial competence by educating young people in the educational system the feeling of military patriotism, and the necessary measures, as well as the factors of formation of skills in the selection of professions

Keywords: military profession competency, "Military patriotism consortium", Priority direction of the strategy of action, Defense Doctrine, official competency, Armed Forces system, patriotism, combination of education and army, The spirit of national idea and ideology.

КИРИШ

Жаҳонда ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида таълим муассасаларида ўқувчиларни дастлаб ҳарбийликка тайёрлаш борасида уларда касбий компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро миқёсда мактаб ўқувчиларининг компетентлик даражасини ривожлантириш ва баҳолаш стратегик аҳамият касб этиб, ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, ижтимоий муҳит талабларига интеграциялаш, компетенцияларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш таълим муассасаларида таълим жараёнини самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Таълим муассасаларида офицерликка тайёрлаш касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш энг илғор инновацион ёндашувларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларини тадбиқ этиш ва ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланишни янги сифат даражасига кўтаришни талаб этмоқда.

Мактабларда, ўрта таълимда, таълим сифатини янада ривожлантириш, ёшларда ҳарбийликка бўлган қизиқиш ва ишонч руҳиятини, жисмоний маданият, касбий тайёргарлик, касбга йўналтириш масалалари бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган концепсияларни амалга ошириш доирасида ҳар томонлама ривожланган, билимдон, халқига,

шунингдек, Ватанга хизмат қилиш ишига содиқ ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий қадриятларга, халқларнинг маданиятига ва ўзлигига бўлган таҳдидлар, ёд ғояларни сингдиришга бўлаётган уринишлар кучайиб бораётган глобализация жараёнлари жадал ривожланаётган шароитда ёшлар энг заиф қатлам бўлиб қолаётганлиги сабабли бу йўналишда кўшимча комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларни туғилган ва яшаб келаётган она заминини севиш ардоқлаш ҳамда ҳарбий ватанпарварлик туйғусида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги даврда Интернет манбалари ва ОАВ(оммавий ахборот воситалари) ахборотларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб, жамият тараққиётининг кўзгуси, кишилар ва ёшлар онги, дунёқараши сиёсий савиясини шакллантирувчи асосий омилга айланмоқда. Эндиликда демократик давлат, еркин фуқаролик жамияти ҳақидаги концепсияларни ахборот соҳасидаги ислоҳотларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маълумки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган Интернет тармоғи ахборот соҳасида туб бурилиш ясади. Эндиликда анъанавий ОАВ нинг инфор­мацион технологиялар асрида ўз мавқеини сақлаб қолиши кўп жиҳатдан глобал тармоқ имкониятлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб қолди. Бу борада юртбошимиз алоҳида таъкидлаб, «...бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш ХХI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади», — дея яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга чақирганлар [1].

Албатта, ёш авлод дунёқарашини кенгайтириш ва билимини оширишда мазкур ахборот манбалари муҳим аҳамиятга молик. ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар орасида самарасиз, салбий таъсирга эга бўлган имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Телеканалларда намоиш этилаётган ва ижарага бериладиган ҳамда сотиладиган минглаб видео, ижтимоий тармоқ, лазер дисклари воситасида тарқатилаётган жангари филмларда яшаш учун кураш ғояси тарғиб этилади. Уларнинг ёшлар онгини захарлаш, миллий-маънавий

қадриятларимиздан узоқлаштириш, миллий нигилизм ва манкуртликка мубтало қилиши ўз-ўзидан аён ва очиқ ҳақиқатдир [8].

Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ҳали тўла шакланмаганлигини, уларда эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу анча еътибор қаратиш зарур бўлган глобал муаммодир. Таъкидлаш лозимки, Интернетдан тарқатилаётган кўпорувчилик руҳидаги ахборотлар орқали баъзан ҳарбий ҳаракатлар эвазига амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларга ҳам эришиш мумкин. Бундай ахборот хуружлари эса ёшларнинг маънавий-ахлоқий, психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи-назари ва еътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга қаратилганлигини унутмаслик керак. Бунинг асосий сабабларидан бири эса тажовузкорликни тарғиб этувчи теле, радио, аудио, видео ва мултимедиа маҳсулотлари, интернетдаги маълумотлар, компьютер ўйинларининг кўпайиб бораётгани, хилма-хил усулларда тарқатилаётганидир. Уларнинг барчаси болалар ва ёшларни психик ва психоемоционал ҳолатига босим ўтказиш, уларни зимдан бошқариш ахборий-психологик таъсир ўтказишнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади.

Оммавий ахборот воситалари энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситалиги ҳозирги ёшларнинг онгига ижобий ва салбий томонлама таъсир этмоқда. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллари ҳамда ватанпарварлик ғоялари тарғиб-ташвиқ қилинади.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий истиқлол ва ватанпарварлик ғоясини сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини кўрсатадиган шундай бир гап бор “ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма ҳафтасига уч мартадан тўрт йил давомида такрорланса – “ҳақиқат” тайёр бўлади, одамлар унга чиппачин ишонадилар” [9].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Охирги пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролининг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол - ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда ёшларнинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмас-да, унинг кўпоровчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиниқидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида, ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. [9].

Ҳақиқатан ҳам, информацион хуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тукишларни келтириб чиқармас-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Замонавий ОАВ, телевидение, компьютер, интернет, уяли телефон ва бошқа воситалар, инсонлар, айниқса, ёшларнинг миллийлиги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб юбормоқда. Таракқий қилган мамлакатларнинг мазкур воситалар ёрдамида жаҳон халқлари онги, дунёқараш ва турмуш тарзини бир қолипга солиш ҳамда унга ўзлари шакллантираётган «оммавий маданият»ни сингдириши бош стратегик сиёсатга айлантираётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун курашнинг кучайиши шароитида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Шунинг учун давлат раҳбари томонидан аҳолининг ва биринчи навбатда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимини такомиллаштириш, уларни мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига жалб қилиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятни намоён қилишга шароит яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди [7].

Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида белгиланган вазифалар ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришини таъминлайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали мутахассисларни юксак интеллектуал маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган офицер кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент томонидан 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида, мамлакат ҳаётининг бошқа жабҳалари билан бир қаторда, ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилингани, амалга оширилган тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиянинг жанговар шайлиги ва умуман мамлакатнинг муҳофаза қобилияти сезиларли даражада ошгани таъкидлаб ўтилди [2].

Йиғилишда давлат раҳбари Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат муҳофаза қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий илмни ривожлантириш борасида Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони томонидан ҳарбий можаролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик усул ва услубларини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бунда ҳарбий таълим тизимида бошланган ислоҳотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий рух, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодлар, жумладан, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Шохрух Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди [7].

Шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ғалаба боғи» ва «Шон-шараф» музейи мажмуасини ҳарбий хизматчилар, мамлакат аҳолиси, айниқса,

ёшлар учун ҳарбий тарихни ва буюк аждодлар қаҳрамонлигини ўрганиш илмий марказига айлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакат аҳолисини ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини кучайтириш билан боғлиқ ишларни «Жасур жангчи — ёшлар учун намуна» шиори остида янада жадаллаштириш, ҳарбий округлар кўмондонликларига камида 10 тадан мактабни оталикқа олиш ҳамда ҳарбий қисм командирлари томонидан уларда ватанпарварлик ва ҳарбий шон-шараф дарсларини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди.

Қуролли Кучларда яратилган замонавий инфратузилмадан фойдаланган ҳолда уюшмаган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ишларни ташкил этиш вазифаси ҳам қўйилди.

Шунингдек, президент, — «ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди», — дея таъкидлаб ўтди [1].

Бундан ташқари, йиғилишда мамлакат мудофаа саноати комплексини янада ривожлантириш, давлат чегараларини кўриқлаш тизимини такомиллаштириш, фавқулодда вазиятлар прогноз ва мониторинг қилиш ҳамда авария ва техноген ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳарбий оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзи ва болалар тарбиясига ёндашувларни намунали даражага кўтариш, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлаш ишлари келгусида ҳам муҳим ва устувор йўналиш сифатида қолишини қайд этди.

Тадбир якунида давлат раҳбари Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлар, биринчи навбатда, халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган янги Ўзбекистонни барпо этиш бош талаб эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Ўрта таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми суверинитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, фуқаролик, миллаталараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш,

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг жанговор қудрати ва салоҳиятини ошириш” каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини” янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони, 2018-йил 4-августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 23-февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [2].

Ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилик, одамлар, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Аҳолини, аввало, ёшларни шундай руҳда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

– Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари [7]

Ўзбекистон 30 ёшгача болган аҳолиси бутун аҳолининг 60 фоизини ташкил этадиган ноёб демографик ҳолатга юз тутиш арафасида. Кейинги йигирма йилда бугунги кундаги катта болалар ва ёшлардан ташкил топган аҳоли ишчи кучига айланади, бу эса Ўзбекистон тарихидаги энг катта ишчи кучи бўлади. Бугунги кундаги тўғри сармоялар билан, ҳозирги ёшлар Ўзбекистонни кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўтарадиган авлодга айланиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, бугунги кундаги болалар ва ёшларнинг фаровонлигини таъминлашга мувофиқ маблағни сарфламаслик ёшларнинг

ҳуқуқларини таъминламаслик ва улар орасида ишсизлик даражасини кенгайтиришга олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий ва диний экстремизм учун пойдевор яратиши ва меҳнат миграциясини кучайтириши ва шу билан бирга жуда ҳам қиммат “демографик дивиденд”ни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳар бир ёш фуқаро ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун зарур кўмак ва имкониятга эга бўлишини таъминлашга устувор аҳамиятни қаратмоқда. Давлатнинг ёшлар бўйича сиёсатини такомиллаштириш Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилги ривожланиш стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан биридир [8].

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 60 фоизни ёшлар ташкил қилар экан, шундан келиб чиқиб униб ўсиб улғайиб келаётган ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик туйғуси билан тарбиялаш муҳим вазифа, ҳозирги кундаги мураккаб ишни авваламбор оиладан бошламоқ жуда ҳам зарур, чунки фарзанга дастлабки тушунчани ва тарбияни ота-она беради, кейинги ўринларда эса таълим муассасалари.

Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғусини юксалтириш учун дастлаб оилада миллий кадрларимизни, миллий тарихимиздаги буюк сакардалар ҳаётини юксак миллийлик руҳида етказмоқлик ва ватанпарвар аждодларимиз тўғрисидаги китобларни қизиқарли қилиб ўқиб бериш кераклиги ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш борасида мактаблар, лицейлар ва техникумларда бир ойда бир маротаба Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларга ўқув экскурсияларни ташкиллаштириш зарур, кейинги ўринларда ўқувчиларни янада қизиқтириб ўқитиш учун ёшларни дастлабги ҳарбий чақириққа тайёрлаш дарсларига нафақат ҳарбий малакаси бўлган шунингдек психологик, педагогик илми ва тажрибаси эга бўлган кадрларни жалб қилиш зарур.

Шунингдек хизмат қилиб келаётган ҳарбийларнинг ижтимоий ҳолатини очиқлик ва шаффофлик асосида текшириб ўрганиб чиқиб ижтимоий аҳоли моддий ёки маънавий жихатдан қийин аҳволда бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат томонидан ёрдам берилиши кераклиги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бир муаммоси биргаликда ҳамжиҳатликда ҳал қилинишни ҳам жорий этиш кераклиги мен ойлайманки бу ишлар инсонда

ватанга бўлган ҳарбийликка бўлган меҳрни кучайтиради. Чунки Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси таркибларида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи ёки ходим бўлсин барчаси оддий инсон лекин ҳамма инсон ҳарбий хизматчи бўла олмайди. Ҳарбий хизмат қилаётган ҳарбий ўз ишида мамнуният билан розичилик кайфиятида хурсанд бўлиб ишлаган ҳарбий хизматчи кўпгина ютуқларга эришади ва касбига бўлган муҳаббат ила фарзандларида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришга тўртки бўлади. Ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришда ҳозирда хизмат қилиб келаётган ҳарбий хизматчиларнинг иш юкларини ўрганиб чиқиб тенг тақсимланиши оилада отанинг касбини фарзанди давом эттиришига замин яратиб беради.

Ўзбекистон мустақилликга эришгач, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш, ихтисослаштирилган лицейлар ўқув жараёнида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича мақсадли ишларни амалга ошириш имконияти туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Мудофаа Доктринаси ва Қуролли кучларнинг ислоҳ қилиниши армияни модернизациялаш бўйича чоратadbирларни мақсадли амалга оширишга ёрдам бермоқда, бунда ихтисослаштирилган ҳарбий лицейларга алоҳида еътибор қаратилмоқда, зеро уларнинг битирувчилари келгусида олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш имкониятига эгадирлар.

Сўнги йилларда ўқувчи ёшлар жисмоний тайёргарлигининг аҳамиятини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар бу борада катта тажриба тўплаганлигини кўрсатади, у олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ўрнатилаётган масалаларнинг умумий хусусиятларини аниқлашга имкон берди.

Мамлакатимиздаги миллий истиқлол ғоялари, ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида таълим-тарбия ва ҳарбий ватанпарварлик жараёнида фойдаланиш, янгиланган жамият манфаатларига хизмат қилмоғи керак. Бу жараён таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан бошланади. Ҳарбий ватанпарварликни истиқлол ғоялари асосида юқори пағонага кўтариш-давр талаби, жамиятнинг ижтимоий топшириғи.

Ҳар қандай жамият келажаги ёш авлоднинг қандай таълим олишига ва қай тарзда тарбияланишига боғлиқ. Шундай таълим-тарбия олган авлодгина

мамлакат олдида турган умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ватанни химоя қилишдек юксак вазифани бажаришга ҳақлидир.

Хулоса қилиб айтганда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлаш ҳамда бўлажак ҳарбийлик касбини танловчи ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш зарурияти мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда жаҳонда юзага келаётган геостратегик ҳолатдан келиб чиқишни тақазо этмоқда. Республикамиз мудофаа тизмида бўлажак ҳарбий хизматни танловчиларни тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий зарурияти таълим тизмида ҳарбий ватанпарварликка хизмат этувчи интерактив тизимни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. [5]

Юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий фикрлаш ҳамда дунёқарашга эга, давлатимиз манфаатлари ва суверенитетини фидокорона химоя қилишга тайёр бўлган ҳар томонлама камол топган, жисмонан соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш тизимини яратишга қаратилган давлат сиёсатини фаол ва изчил амалга оширишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси таркибида принципиал янги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилиши ҳам бу борадаги муҳум ислоҳотдир.

ХУЛОСА

Бу борада бир қатор муаммолар ҳам бўлиб, соҳада қуйдаги ислоҳотларни амалга ошириш муҳимдир:

- Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамиятида демократик тамойилларнинг мавжудлиги, унинг мустаҳкамланиб бориши ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш, уларнинг мафкуравий маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш миллий хавфсизлигимизни таъминлашнинг муҳим омилдир;

- мустақиллик мафкураси ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиб, ижтимоий фаоллигини оширади;

- ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришда ижтимоий-

гуманитар фанларни чуқур ўрганиш сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва естететик маданиятни камол топтириб, касбий сифат ва хусусиятларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади;

- давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллигини такомиллаштириш ёшлар ва аҳолининг профессионал армияга бўлган муносабатини янада мустаҳкамлайди, уларнинг кўнгилли хизматга бориш истагини оширади.

- Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий таълим-тарбияни ривожлантириш педагог кадрларнинг малакисини ошириш касбий тарбиянинг янги усул ва воситаларини яратишни талаб қилади;

- мактаб, лицей, техникум ва ҳарбий қисмлар кутубхоналарини ўқув-услубий ва маънавий-маърифий адабиётлар билан бойитиш, ҳарбий хизматчиларнинг сиёсий маданияти ҳамда тафаккурини шакллантириб, кенг қамровли фикрлашга ўргатади.

- таълим мусассаларида бўлажак ҳарбий хизматчи ва офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бугунги таълим тизимида ҳалқаролашув ва глобаллашув тенденцияларни ҳарбий таълим сифатини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

- ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш ва бошқариш стратегияларини белгилаш таълимни модернизациялаш шароитида уларнинг касбий компетентлиги мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари асосида компетенциялар моделини ишлаб чиқиш самарали ёндашувлардан эканлигини кўрсатади;

- таълим муассаси битирувчисининг квалификацион характеристикаси замонавий талабларга мос бўлмагани учун қатор илғор хорижий мамлакатларда “Ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш модели”га ўтишни тақозо этди. Бу ўз навбатида бўлажак ҳарбий-хизматчи ва офицернинг бири-бирига боғланган ва ўзаро таъсир этувчи тўртта таянч компетенция гуруҳларидан иборат бўлган “Ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш модели”ни яратишга асос бўлди.

- таълим мусассаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда тизимлиликни таъминлаш, замонавий

таълим технологиялари ва инновацион ёндашувларни ўзлаштириш асосида касбий компетентлик даражасидан келиб чиққан ҳолда таълим дастурларини табақалаштириш, муқобил шаклларни ҳамда касбий компетентликни тақолиштиришга қаратилган креатив технология тузилмасини амалиётга жорий этишнинг механизмларини ҳарбий таълим талаблари асосида илмий-назарий жиҳатдан асосланди.

- ўқувчида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштириш модели бўлажак ҳарбий-хизматчи ва офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш соҳасига оид таянч компетенциялари билан белгиланиши, бўлажак ҳарбий-хизматчи ва офицерларда касбий компетентликни такомиллашганлигининг юқори, ўрта, паст даражаларини аниқлашга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Олий Мажлисига мурожаатномаси. -Тошкент, Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2019-й., 07/19/4375/3424-сон; 27.02.2021-й., 07/21/5010/0180-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021-й., 07/21/5235/0840-сон.
3. Каримов.И.А Юқсак маънавият енгилмас куч.-Тошкент, Маънавият, 2008
4. Каримов.И.А Хавфсизлик ва тинчлик учун курашиш керак. Ватан химоячиларига байрам табриги. -Тошкент, Ўзбекистон, 2002 йил 178-179 бет.
5. Алимардонов Зоҳид Шукуруллаевич. Олий ҳарбий таълим муассаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш. -Тошкент Автореферат 2019 йил.
6. Кайковус, Қобуснома. -Тошкент, Ўқитувчи нашриёти 2011 йил.
7. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/01/12/security-council/>
8. <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/matbuot-markazi>
9. <http://uz.infocom.uz/2015/09/29/internet-va-oav-yoshlar-manaviy-axloqiy-tarbiyasiga-konstruktiv-va-destruktiv-tasiri/>